Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 133 (7. 222) 1990 йил 12 июнь, сешанба Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида»ги Сиёсий маърузаси юзасидан Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳурият ва умуман бутун мамлакат ғоят кийин, бурилиш даврини бошидан кечираётганлигини таъкидлайди. Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик коммунистларни ва барча меҳнаткашларни актив фаолиятга жалб этди, кенг жамоатчилик кучларини ҳаракатга келтирди. Ўтмишни, сиёсий ва иқтисодий системаларни тубдан ислоҳ қилишни қайта идроклашнинг оғир жараёни юз бермоқда.

Миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан, халқларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигидан чекиниш ўнглаш қийин бўлган катта зарар етказди. Ўзбекистонга асосан хом ашё базаси деб қараб келинди. Регионнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ҳисобга олинмади. Зўравонлик билан тезлик ўтказиб, пахта монополияси ўрнатилди. Жумҳурият иқтисодиёти бузилиб, хом ашё тусига эга бўлди, комплекс ривожланишга, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини қондиришга қаратилмади.

Республиканинг сиёсий мустақиллиги расмий декларацияга айланиб қолди. Миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар муаммоларига сийқа қарашлар ва юзаки ёндашувлар ўзбек халқининг неча асрлик тарихга эга бўлган маданий қадриятларини, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимасликка олиб келди.

Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси таъсирида вужудга келган мураккаб вазият бир қанча салбий тенденциялар туфайли чигаллашмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда жиддий силжиш бўлмаяпти, айниқса, Оролбўйида экология вазияти ёмонлашмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларига эҳтиёжи қондирилмаяпти. Молия ва пул муомаласидаги номутаносиблик кучайди, одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмоқда.

Ижтимоий ва миллатлараро низоларни ҳал этиш масалалари ўткир тус олди. Омманинг сиёсийлашуви ва фаоллигининг ўсиши билан бир қаторда ғоявий ва маънавий негизларни бузиб ташлаш уриниш, умумбашарий қоидалар ва қадриятларни менсимаслик кўзга ташланмоқда.

Қайта қуришнинг бошланишида Ўзбекистон Компартияси ўтган ўзини ўзи тозалаш ва соғломлаштириш йўлининг тўғрилигини тасдиқлаб, съезд ана шу йўлни амалга ошириш чоғида йўл қўйилган бузилишларни қоралайди. Ҳалол меҳнатчилар оммасини ёппасига айблаш, кўпгина партия, совет ва хўжалик ходимлари ғайриқонуний равишда ёмонотлиққа чиқарилиши ва асоссиз равишда таъқиб этилиши, халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришдаги ўзбошимчалик халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Республикага сиёсий иродаси йўқ, Ўзбекистон халқининг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахсларнинг раҳбарлик қилиши ана шундай бузилишларга ва ҳаддан ошишларга ёрдам берди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш зарурлиги партия ташкилотларидан ўз сиёсатини тубдан ўзгартириши, иш шакллари ва усулларини қайта қуришни талаб қилмоқда. Жумҳурият Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурида Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб, бутун кучини ижтимоий режаларни амалга оширишга, омма орасида ташкилотчилик ва мафкуравий ишларни олиб боришга қаратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббуси билан қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер участкалари ажратиш; оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уруш ветеранлари ва ногиронларининг, аҳоли камбағал тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни аҳоли кенг қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб кутиб олди. Президентлик бошқаруви жорий этилганлиги, қонунларнинг бажарилиши, интизом ва жамоат тартибини сақлаш воситаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатъий тадбирлар мамнуният билан кутиб олинди.

Натижада вазиятни бошқаришга муваффақ бўлинди. Партия органларининг тўкилган обрўсини тиклаш жараёни бошланди. Одамлар жумҳурият Компартиясига олдингига нисбатан кўпроқ ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Компартияни уюшган сиёсий куч деб билиб, унда бундан буён амалий ҳаракатларни кутмоқдалар.

* * *

Сиёсий маърузадаги қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ва раҳбарлик учун қабул қилинсин. Ўзбекистон ССРнинг янгиланган федерация доирасида сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақилликка эришиши энг муҳим вазифа, жумҳурият ижтимоий-иқтисодий, давлат, миллий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишнинг, меҳнаткашлар турмуш шароитини тубдан яхшилашнинг ҳал қилувчи шарти, деб ҳисобласин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ташкилотчилик иши қониқарли, деб топилсин. Марказий Комитет сўнгги вақтда амалга ошираётган сиёсий йўл маъқулласин.

* * *

Съезд Марказий Комитет томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига доир «Ўзбекистон ССР ни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг Асосий йўналишлари» Ҳаракат дастурини маъқуллайди ва уни жумҳуриятни ривожлантиришнинг амалий йўлларини белгилаш учун Ўзбекистон Компартиясининг расмий режаси сифатида Ўзбекистон ССР Олий Советига тавсия этишни, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, Советларда, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлайдиган коммунистлар куч-ғайратини ана шу дастурни рўёбга чиқаришга қаратишни зарур, деб ҳисоблайди.

Бунда инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш, ахлоқий жиҳатдан камол топтириш партия сиёсатининг марказида бўлиши керак. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўриш давомида меҳнаткашларни, айниқса ходимлар кам таъминланган тоифаларини, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишга биринчи даражали аҳамият берилсин.

Шу мақсадда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда мутлақо янгича ёндашувлар ишлаб чиқилсин, ер, маъдан — хом ашё ресурслари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланишда жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари таъминлансин, халқ хўжалиги комплексининг йўналиши ва структураси ўзгартирилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан мумкин қадар тўла таъминланишига эришилсин.

Тегишли режаларни ишлаб чиқиш, уларни қонун лойиҳаларини тақдим этиш тарзида жумҳурият Олий Советига киритиш, Қонунлар ва ҳукумат қарорлари орқали бу режаларни амалга ошириш янги шароитда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолияти асосий йўналишларидан биридир.

Съезд омма орасида ғоявий-сиёсий таъсирни кучайтиришни, марксизм-ленинизм таълимотини ижодий идроклаш ва ривожлантириш асосида ижтимоий онгни тарбиялашни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Партия комитетлари умумбашарий ахлоқ қоидалари қарор топишига, маънавий турмушнинг барча соҳалари ривожланишига ва софланишига кўмаклашишлари, халқнинг сиёсий ва маданий имкониятларини, ақлий имкониятларини рўёбга чиқаришлари ва кўпайтиришлари, юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини ва партия сиёсатини англаб олишда одамларга ёрдам беришлари, бу сиёсатни амалга оширишда ўз ўринларини топиб олишлари керак.

Қайта қуришнинг, жамиятни социалистик асосда янгилашнинг амалий мавқеида турган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишни ўрганиш зарур. Шу билан бир вақтда экстремистлик ва ажрамачилик кайфиятларига қатъиян зарба бериш керак.

Съезд маданият соҳасидаги маъмуриятчилик ва буйруқбозликни, уни ривожлантиришга қолдиқ ёндашувларини, ўтмишда йўл қўйилган Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг атоқли арбобларини қатағон қилиш ва ёмон отлиққа чиқаришни қоралайди ҳамда Компартия Марказий Комитетининг уларни изчиллик билан оқлаш йўлини қўллаб-қувватлайди. Съезд ўзбек халқининг тарихий ўтмишига, унинг миллий-маданий ва тил меросига ақидапарастлик билан ва юзаки қарашларга қарши чиқади. Съезд миллий маданияти, унинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини тиклашни ўзбек давлат тилини мустаҳкамлаш ва унинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиришни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари СССРдаги барча халқлар ва жумҳуриятимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг миллий мансублиги, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қўмаклашадиган миллий ва маданий сиёсатни амалга оширишга биринчи даражали аҳамият беришлари керак. Халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклаш, Ўзбекистон халқларининг азалий фазилатлари — меҳнатсеварлик, одамларга ҳурмат, Ватанга ҳалол хизмат қилишни мустаҳкамлаш зарур.

Ўзбекистон Компартияси илмий-материалистик дунёқарашни ҳимоя қилиб ва тарғиб этиб, ўтмишда динга нисбатан йўл қўйилган ўзбошимчалик ҳаракатларини қатъиян қоралайди ҳамда виждон эркинлигини, умумбашарий қадриятларни қарор топтириш йўлида диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни, динга ишонувчилар жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушида иштирок этишини таъминлашни ёқлайди. Шу билан бир вақтда диний мутаассибликнинг ва чиқиштирмасликнинг, дин ички можароларининг, диний фаолиятни сиёсийлаштиришнинг, хотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқади.

* * *

Съезд Ўзбекистон Компартиясининг жумҳурият сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ бўлган мустақиллигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни маъқуллайди. Шу билан бирга съезд КПСС билан ташкилий ва ғоявий бирликни ёқлайди, шунингдек партияни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга қарши чиқади. Компартиянинг фаолиятини тубдан қайта қурмай, янгиламай ва барча соғлом кучларни жипслаштирмай туриб унинг янги мавқеини ҳақиқатан таъминлаш мумкин эмас. Партия комитетлари ва ташкилотлари кенг демократиялаш ва ошкораликка асосланган услуб ва усулларни ўзлаштиришлари зарур. Улар ўз ички турмушлари билан ўралашиб қолмасликлари, одамлар олдига, меҳнат жамоаларига дадил боришлари, уларнинг кайфиятларини яхши билишлари, вазиятни бошқара олишлари, вазият қандай бўлишини фараз этишлари, аҳолини ҳаяжонга солаётган ўткир муаммоларни ҳал қилишдан, барча амалий кучлар билан мулоқот қилишдан ўзларини четга олмасликлари керак.

Амалда партия аъзолари оммасининг ҳокимиятни таъминлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, сайлаб қўйиладиган органлар мавқеи ва обрўсини ошириш, қарашларни эркин қиёслаш, масалаларни коллегиал муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун шароит яратиш лозим бўлади.

Съезд партиянинг барча бўғинларида интизомга риоя қилиш, демократия централизми қоидаларини янада ривожлантириш, камчиликни ташкил этувчи гуруҳлар ва ҳар бир коммунист фикрини ҳурмат қилиш, партиявий ўртоқликни сақлаш зарурлигини таъкидлайди.

Партия учун янги вазиятда Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар сиёсатини қайта кўриб чиқишлари, ишда расмиятчилик-номенклатура ёндашувларидан воз кечишлари лозим. Компартия позицияларида турган номзодларни тавсия этиш, Совет ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларида, мафкуравий муассасаларда уларнинг асосий лавозимларга сайланиши ёки тайинланиши учун курашиш ҳуқуқидан фойдаланиш керак.

Съезд сиёсий кучларнинг ажралиши кучайиб бораётган шароитда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг диққат-эътиборини халқ депутатлари Советларида, касаба уюшмаларида, ёшлар ҳаракатида ва бошқа жамоат тузилмаларида партия сиёсатини амалга оширишнинг шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратишни зарур деб ҳисоблайди. Бу шакллар ва усуллар амалий мулоқотга, ижтимоий-тараққиёт муаммоларини ҳал этиш режаларини биргаликда ишлаб чиқишга, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашга асосланиши керак.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари тугалланган ҳисобот-сайлов кампаниясидан сабоқ чиқариб олишлари, тўпланган тажрибани мустаҳкамлашлари зарур. Ҳисобот ва сайловлар чоғида тушган барча таклифлар ва танқидий мулоҳазалар юзасидан узил-кесил чора-тадбирлар кўрилсин, аҳолининг энг муҳим талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга биринчи навбатда эътибор берилсин.

Съезд шуни таъкидлайдики, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги коммунистлар партия йўлини қатъият билан ўтказишга, тошириланган иш учун масъулият намунасини кўрсатишга, ўз ишлари билан КПСС обрўсини оширишга мажбурдирлар. Ҳозирги пайтда коммунистлар учун жумҳуриятни миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқиш учун барча соғлом кучларни жипслаштиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.



© ФАБРИКА ПЕШҚАДАМИ. Тошкентдаги Й. Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг чеварларидан бири Шоҳида Исроилова.

Х. Мирзакаримов сурати.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезднинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи хусусида

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди бозор муносабатларини жорий этиш объектив заруратэканлигини эътироф этиб, бозор иқтисодиётига бутун халқ қўллаб-қувватлаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари мажмуи билан бориш керак, деган мавқеида қаттиқ туради.

СССР ҳукуматининг таклифларида мулкчиликнинг, иқтисодий масъулият ҳамда регионларнинг марказ билан ўзаро муносабатларининг, корхоналар мустақиллигининг, маҳсулотларни тенг айирбош қилиш асосларининг, аҳоли ижтимоий муҳофаза қилинишининг ва бозор иқтисодиёти ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишининг кўпгина принципиал масалалари тўла-тўкис ҳал қилинмаган.

Жумҳурият партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида, партия XXII съездида бозор иқтисодиёти қоидаларига ўтиш масалалари юзасидан кенг фикрлашиш бир қанча принципиал муаммоларни кўрсатиб бердики, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси жумҳурият аҳолиси кўпчилигининг фикрини ифодалаб, бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикрни бутунлай рад этади. Аҳолининг ярмини кам таъминланган тоифа ташкил этадиган ва бир миллионга яқин ишсизлар бўлган Ўзбекистон ССР шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш халқнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси съезди бошқариладиган бозор иқтисодиётига таркиб топаётган ижтимоий--иқтисодий вазиятни, жумҳуриятнинг регионал хусусиятларини, унинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан ахволини ҳисобга олиб босқичма-босқич ўтишни ёқлайди.

Съезд улгуржи, харид ва чакана нархлар ислоҳоти бир вақтда амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Жумҳурият коммунистлари Ўзбекистон ССРда ном маҳсулотларини истеъмол қилиш хусусиятлари ва даражасини ҳисобга олмай ва нарх ортишидан келадиган зарарни аҳолига тўла-тўкис тўламай туриб, шу йил июль ойидан нон чакана нархининг бир томонлама оширилишига қатъий эътироз билдирадилар.

Съезд Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги коммунистларга жумҳуриятнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шартлари ва тартибини белгилаб берадиган ва Ўзбекистон ССР фуқароларини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилишни кўзда тутадиган зарур қонун лойиҳалари ва норматив ҳужжатлар мажмуини тайёрлаб, жумҳурият Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишни топширади.

Съезд ислоҳотнинг аҳамияти, мақсади ва вазифаларини кенг халқ оммасига тушунтириш чораларининг кенгайтирилган системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Хом ҳаёлларни вужудга келтирмай ва чўчитмай, бўлажак ўзгаришларнинг моҳиятини халққа холисона кўрсатиб бериш жуда муҳимдир. Одамлар яқин йилларда қандай қийинчиликларни бошидан кечиришларини аниқ-равшан англаб олишлари, бу қийинчиликларни онгли равишда зиммаларига олишлари, уларни бартараф этиш йўлларини ва истиқболни аниқ кўра билишлари керак.

Съезд КПСС XXVIII съездига жумҳурият партия ташкилотларидан сайланган делегатларга бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласида Ўзбекистон коммунистларининг принципиал мавқеини съезд қатнашчиларига етказишни ҳамда бу мавқе съезд қарорларида акс этишига фаол кўмаклашишни топширади.

Кутилмаган натижалар

ITALIA'90

Кеча Шотландия — Коста-Рика ўйини ўтказилди. Рақибларнинг кучлари тенг эмас эди. Жумладан, ушбу биринчилик Шотландия учун эса илк турнир эди. Коста-Риканинг тренери югослав Бора Милутиновичнинг қўли жуда енгил чиқиб қолди. 1986 йили Мексикада у майдон эгаларини биринчиликка тайёрлаб нимчорак финалгача олиб чиққан ва бу натижа учун ҳатто Мексика ордени билан ҳам мукофотланган эди.

Энди ўйинга тўхталсак. Биринчи бўлим бироз зерикарлироқ ўтди. 48-дақиқада Каоццонинг аниқ зарбасидан сўнг футболчиларга «жон» кирди. Шотландияликларнинг ҳужумлари тобора шиддатли тус ола бошлади. Бироқ Коста-рикаликлар дарвозабони Конеко аниқ ўйин кўрсатиб, зарбаларнинг ҳаммасини бартараф этди. Шундай қилиб ўйин Коста-рикаликлар галабаси билан тугади ва бу Аргентина—Камерун беллашувидан кейинги иккинчи кутилмаган натижа бўлиб қолди. Жаҳон футболида кучлар тенглашиб бораётган ҳозирги вақтда биринчилик бундай натижаларга бой бўладиганга ўхшайди.

Сўнг майдонга Англия — Ирландия командалари тушди. Таркибида Шилтон, Барнс, Линекер каби жаҳон юлдузлари бўлган Англия терма командасини кўпчилик мутахассислар ғолибликка даъвогарлар сафига киритишганди. Ўйиннинг бошланиши ҳам гўё буни исботлаётгандек эди. 8-дақиқада инглизлар ҳужумининг сардори Линекер тўпни дарвозага аниқ йўллади. Шундан сўнг англияликлар менимча, кучларини кейинги ўйинларга сақламоқчи бўлдилар чоғи, шиддатни бир оз пасайтирдилар. Иккинчи бўлимда ирландияликлар жавоб ғўпини киритдилар ва ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Бу ҳам кўп жиҳатдан кутилмаган натижа эди. Ҳа, рақибни назар-писанд қилмаслик доимо шундай натижаларга олиб келиши ҳаммага маълум.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

* * *

СУРАТДА: мамлакатимиз терма командасининг аъзолари В. Хидиятуллин (ўнгда) ва И. Добровольскийлар машқдан сўнг.

ТАСС сурати.



Об-ҳаво ва саломатлик

12 июндан 17 июнгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларга кўра, шу ҳафта мобайнида иссиқ ҳаво сақланиб туради. Фақат тоғлик районлардагина айрим кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳафтанинг биринчи ярмида оқшомлари ҳарорат 16—21, кундуз кунлари эса 31—36 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳароратнинг 5—6 даражага ошиши кутилмоқда. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат нормадан юқори бўлиши кутилмоқда.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг кўп қисми мобайнида ҳароратнинг юқори даражада бўлиши муносабати билан юзага келадиган ноқулайликлар, ҳаво босимининг пасайиши, ҳавода кислород камайиши нафас қисишнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Ҳавонинг бундай ҳолати нафас йўли—ўпка системаси, сурункали кислород етишмаслиги, шу жумладан миядаги қон айланиши бузилиши, юрак қисиши, шунингдек турли даражадаги қон айланиш етишмовчилиги касалликлари билан оғирган беморлар аҳволини оғирлаштириши мумкин.

Бундай об-ҳаво шароитларида об-ҳавога таъсирчан беморларга муайян ҳаво муолажасини давом эттириш тавсия этилади. Беморлар танасида кислород етишмаслигини мувофиқлаштириш учун хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, соя-салқинда очиқ ҳавода яёв юришларни кўпайтириш ва тўйимли овқатланиш меромига пухта риоя қилиш зарур.

Буларга риоя қилиш киши танасининг ноқулай об-ҳаво таъсирига қаршилик кўрсатишига ёрдам беради.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди

ТАРАҚҚИЁТНИ ТЎХТАТИБ БЎЛМАЙДИ

⊙ Биздаги илмий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базаси, барча зарур ресурс шарт-шароитлари замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан-ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантириш имконини беради. Съездда таъкидланганидек, фан ва техника тараққиётининг олдинги маррасига чиқма сак, истиқбол порлоқ бўлмайди. Ҳамма соҳада ўсиш-ўзгаришга эришиш, истиқбол томон кескин бурилиш ясаш қайта қуриш талабидир. Вақт эса кутиб турмайди: фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини ҳар қачонгидан ҳам кучайтирмоқ зарур.

ҲА, тараққиётни тўхтатиб бўлмайди, у доимо олға, юксакликка ва кенгликларга интилади. Бунга жаҳондаги техника тараққиётига назар солиб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда шаҳримиздаги кўплаб илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари янги, тубдан ўзгача технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан машғул. Шундай корхоналардан бири — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги қошидаги «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидир.

— Мен Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг медалларини, дипломларини олишга сазовор бўлган лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг ишини алоҳида тилга олишни истардим, — деди бирлашма партия ташкилотининг котиби Анвар Алимов шу ҳақда сўз кетганда. — Корхона бўйича шу чоққача мамлакат кўргазмасининг 12 та кумуш ва бронза медалига сазовор бўлингани, албатта бу борада анчагина ишлар қилингани сезиларли ютуқларга эришилаётганидан далолат беради. Бундан ташқари Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлар жамиятининг республика ташкилоти Фахрий ёрлиқларини ҳам қўлга киритишди.

— Қайси ютуқлар учун, айтиб беролмайсизми?

— Масалан, бронза медали бензин билан юрадиган автобусларни газ баллонли қилиб қайта жиҳозлаганлик учун, Фахрий ёрлиқ эса КРАЗ автомашиналари учун ҳар томонлама қулай электр-механика мосламаларини яратгани учун берилган. Албатта, бу ҳали чегара эмас. Конструкторлар изланишни давом эттиришяпти.

— Улар кўпчиликми?

— Беш юздан ошади. Йилига ўртача 800 минг сўмлик ҳажмида иш бажаришяпти. Албатта, бу оз эмас. Шуниси ажойиб бўлдики, ўтган йилдан бошлаб улар мустақил хўжалик юритишга ўтиб ишламоқдалар. Шу йилдан бошлаб эса контейнерлар бўйича база ташкил қилинди. Унда конструкторлар ўзлари яратган тажриба намуналарини ўзлари синовдан ўтказиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари маҳсулот сифатини бошқаришнинг туркум усули жорий этилди.

— Илмий-ишлаб- чиқариш бирлашмаси бутун республика бўйича иш олиб боради, шундайми? Бевосита Тошкентда қандай бўлимлар иш олиб боряпти?

— Тошкентда 5 та бўлим бор. Шундан биттаси конструкторлик, иккитаси лойиҳалаш, битта механика бўлими эса тажриба намуналарини ишлаб чиқаради. Яна бири ўлчов асбобларини таъмирлаш ва уларни назорат қилиш бўлимидир.

— Хуллас, ярим илмий, ярим ишлаб чиқариш экан-да.

— Топдингиз! Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси худди томчида қуёш акс этгандек мана шу ерда ажойиб тарзда ўз ифодасини топяпти. Агар ўтган йили конструкторларимиз 760,6 минг сўмликдан зиёд ҳажмда иш бажарган бўлсалар, бу йилги мўлжал бундан ошади. Мен рақамларни қалаштириб ташламоқчи эмасман, фақат шуни айтмоқчиманки, асосий эътибор ўша ижодий изланиш мевалари қандай бўляпти, амалда қандай жорий қилиняпти. Энг муҳими ана шунга қаратиляпти. Ҳозир иқтисодий самаралар минглаб сўм билан ўлчанса, келгусида уни миллионлаб сўм билан ўлчамоқчимиз. Аммо бу осон эмас. Ҳали бунинг учун кўп иш қилиш керак.

Котиб билан бевосита бошланланган суҳбат истиқбол уфқларига бориб тақалди. Ҳозир бу ерда асосий эътибор туркум ва оммавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиляпти. Юқорида айтилгандек, бунинг учун конструкторлар, техниклар фақат янгиликни кашф этиш билан чекланмай, унинг дастлабки тажриба намуналарини яратиш, синаш ва уни техник ўзлаштириш учун тайёр ҳолга келтиришга интилмоқдалар. Демак, шундан сўнг республика ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари учун уни жорий этиш анча енгил кўчади. Негаки тайёр маҳсулот намунаси билан бирга уларга барча техникавий ҳужжатлар ва технологик жиҳозлар ҳам бериляпти.

Бу — биринчидан. Иккинчидан, ҳозир илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси янги буюмларнинг конструкциясидан тортиб, намуналар тайёрлаш, уни синаш, созлаш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишларини бажаряпти, дастлабки саноат туркумларини ишлаб чиқаряпти.

Аммо худди шу масалада бир фикрни айтиб ўтиш лозим. Баъзи ҳолларда шунчалик кўп саъй-ҳаракат кўп туркумдаги эмас, балки яккаю-ягона, кичик туркумдаги маҳсулотлар тайёрлашга сарф бўляптики, бунинг фойдасидан зарари кўп эканлиги ўз-ўзидан аён.

Биз бу илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг юксак самара билан ишлашидан яхши хабардормиз: бу борада у ўзини кўрсатган. Масалан, кўп маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш муддатлари 2—3 марта қисқарди, ечимларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам ошди.

Ҳали фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани янада яхши йўлга қўйиш мумкин, деб бемалол айтиш мумкин. Нега? Бу ерда маблағлар икки марта «айланиб чиқиш»га мажбур эди: негаки бирлашмада икки мустақил ҳолат ҳукм сураради. Аниқроқ қилиб айтганда бу ерда режалаштириш, молиялаш, илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти учун кишиларни рағбатлантириш системаларини бир-бирига мувофиқлаштириш «фан-техника — ишлаб чиқариш — истеъмол» занжиридаги барча ишларни тўла қамраб оладиган ягона хўжалик механизмини яратиш вазифаси турарди. Бу бирлашманинг келгусидаги истиқболига тааллуқли гаплар, албатта. Лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси ҳозир хўжалик ҳисобининг иккинчи усулига ўтиб ишламоқда. Бу усулда мустақиллик ҳам, ишлаб чиқариш унуми ва иш ҳақи ҳам унумлироқ кўриняпти.

Истиқбол бугундан яратилади. Тараққиёт эса бир жойда тўхтаб турмайди. «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кейинги йилларда ҳаракат составини таъмирлашнинг илғор технологияси ва кўплаб янги техника ўзлаштирилди, кўпгина оғир меҳнат талаб қиладиган, мураккаб жараёнлар механизмлаштирилди. Буларни инкор этмаган ҳолда ҳали тоғ-тоғ вазифа турганини унутмаслик керак. Масалан, технологик ва машиналар сақланадиган жойларнинг мажмуаларини янада такомиллаштириш, махсус ҳаракат составлари яратиш ҳозир автокорхоналарга сув билан ҳаводек зарур.

Маълумки, автомобиллар тезтез бузилиб туради. Уларни жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни тезроқ амалга ошириш учун янги асбоб-ускуналар мажмуасини яратиш вазифаси турибди. Автомобилларни газ билан ишлашга ўтказишда озми-кўпми иш қилинди. Бошқа бир қатор янгиликлар ҳам бор. Республика автомобиль транспортини янада ривожлантириш учун масалан, тараққиёт зиналаридан дадил чиқиш, чунончи газ билан ишлашга кенгроқ ўтказиш, дизель двигателларидан умуман воз кечиш, тозаланмаган (таркибида тетраэтилсвинец бўлган) бензин ишлатишдан аста-секин қутула бориш ҳал этиш керак бўлган муҳим муаммоларни ҳал этиш келажакнинг ишидир. Шу боисдан бутун маҳорат ва изланиш иложи борича ана шу келажакни яқинлаштиришга қаратилса, нур устига аъло нур бўлади!

Ҳ. ИКРОМОВ.



⊙БУНЕДКОРЛИК ЗАВҚИ. 4-қурилиш трестининг 68-қурилиш бошқармаси пешқадам бунёдкорлари монтажчи Л. Шурков ва В. Седориналар. Т. Каримов суратн.

Дарахт бир жойда кўкаради

Хориждан хабарлар

Қўш фазилат эгаси

ҲУСАН ака 127-мактабни тугатиб, Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга кирдию шу-шу унинг ҳаёти комбинат билан чамбарчас боғланиб қолди. Оз эмас, 40 йилдан бери у тўқув дастгоҳларини бошқариб келади.

Йиллар ўтиб, у механика цехида трансформатор тузатиш бўйича малакали мутахассис бўлиб етишди. Шунинг учун ҳам ишхонасида уни барча касбдошлари ҳурмат қилишади. Чунки у ҳар жойда фарзандларини ҳам, шогирдларини ҳам ҳалол меҳнат қилишга ундайди. Шу боис, унинг шогирдлари Ҳ. Мажидов ва Ҳ. Қўчқоров ҳам устоз изидан бориб, ўз меҳнатлари билан кўпларга ибрат бўлишмоқда.

Цех бошлиғи Ғ. Ҳошимов Ҳусан Азимов ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Қани энди ҳар бир инсон ҳаётда Ҳусан акага ўхшаб ҳалол меҳнати билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўла олса. У кишининг қўллари меҳнатда пишган. Энг асосийси, унда катта ҳаётий ва иш тажрибаси бор.

Ёшлар Ҳусан аканинг қўш фазилатини: ҳалоллиги ва камтарлигини жуда ҳурмат қилишади. Ҳақиқатан ҳалол ва камтарин инсонларни ҳамма жойда кишилар эъзозлайди. Ҳусан ака ўз ойласида ҳам иззат-икром кўриб яшамоқда. Унинг икки қизи, тўрт ўғли бор. У ниҳоятда бахтиёр. Чунки, фарзандлари ҳам ота сўзларини асло икки қилишмайди. Унинг ойласида оддий шофёр ҳам, бўёқчи ва мусаввир ҳам, тўқувчи ва талаба ҳам бор.

Фарзандлари уни аяб:

— Дада, энди ишни йиғиштириб, қарилик гаштини сурсангиз ҳам бўлар, — дейишади.

— Билакларимда кучим бор экан, меҳнат қилганим яхши. Меҳнат қилган киши ҳеч қачон қаримайди, — дейди жилмайиб у.

Ҳақиқатан ҳам меҳнат у кишига ҳозир ҳам янги куч-қудрат бағишлаяпти.

М. МИРОБИДОВА.

⊙ ВАШИНГТОН. Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги Совет-Америка тарихий учрашуви хавфсизроқ дунё сари боришга ва янги, барқарор Европани вужудга келтиришга ёрдам берди, деб таъкидлади АҚШ Президенти Ж. Буш Айова штатининг Де-мойн шаҳрида сўзга чиқиб. Европа қитъасида, деб давом этди у, барча давлатлар хавфсизлиги мустаҳкамланади.

«Биз Президент Горбачев билан барча америкаликлар ҳаётига ўз таъсирини ўтказадиган ҳамкорлик ва умид руҳидаги бир қанча янги битимларга келдик», — деб таъкидлади Ж. Буш. «Умид қиламизки, — деди Президент, — мазкур битимлар совуқ уруш тугашининг муқаддимаси бўлади. Ҳозир бизда Совет ва Америка халқлари дўстлиги мустаҳкам ҳамкорликнинг янги муносабатлари ўрнатилмоқда, Дон билан савдо қилиш ва сотиш юзасидан янги битимлар имзоланиши муносабати билан эса бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланди».

Бироқ, деди Президент, биз мамлакатларимиз ўртасида сақланиб қолаётган анча катта фарқларни назардан четда қолдира олмаймиз. Литва муаммоси —ана шундай масалалардан биридир.

⊙ БАЙРУТ. «Инқилобий ҳаракат» — араб қаршилиги фронти Ливан пойтахтининг ғарбий қисмида жойлашган Руминия элчихонаси ўққа тутилганлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олди.

Маълумки, элчихона биноси қўлда отиладиган гранатометдан ўққа тутилган эди. Ташкилот тарқатган баёнотда бундай ҳаракат Шарқий Европа мамлакатларидан яҳудийларни Исроилга ташишда Руминия ёрдам берганлиги учун ўч олишдир, дейилади.

Ана шу яширин гуруҳ март ойининг иккинчи ярмида Польшанинг Байрутдаги элчихонаси вакилига суиқасд қилган ва натижада у оғир яралар бўлган эди.

⊙ ҚОҲИРА. Исроил солдатлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги босиб олинган Тулкари яқинида қочоқлар лагерида араблар намойишини тарқатиш чоғида яна ўт очиш қуролини ишга солдилар. Бу ердан олинган хабарларга кўра, «пластик» ўқлардан тўрт киз яралар бўлган.

Бундай ўч олиш кўчаларда янги намойишлар бошланишига сабаб бўлган. Комендантлик соати жорий этилганига қарамай, юришлар ва митинглар давом этмоқда. Уч кундан буён комендантлик соати давом этаётган Наблус шаҳрида ва унинг атрофидаги қочоқлар лагерларида таҳликали вазият сақланиб қолмоқда.

⊙ КОБУЛ. Афғонистон жумҳуриятининг президенти Нажибулло Маккага жўнаб кетаётган зиёратчилар билан учрашди. У Афғонистон раҳбарияти бундан икки йил илгари мусулмонлар учун муқаддас бўлган ана шу заминда музокаралар олиб боришни оппозиция раҳбарларига таклиф этганлигини айтди. Бироқ бу таклиф қўллаб-қувватланмади. «Бугун, деди президент — мен ҳаж қилаётган барча ватандошларга уларнинг қайтиб келиши учун шарт-шароитлар яратилганлигини маълум қилишингизни сўрайман». Боғлар ва хонадонлар ўз эгаларини кутади.

Афғонистон жумҳуриятининг биринчи вице-президенти С. Кештманд Ғор, Ғазна, Сарипул ва Ғилмонд вилоятлари дин ва жамоат арбобларини қабул қилди. Улар ўзлари яшаб турган жойлардаги мавжуд қийинчиликлар ҳақида гапириб бердилар, С. Кештманд бир қанча муассасалар ва идораларнинг раҳбарларига ана шу вилоятларнинг вакиллари олдига қўйилган муаммоларни ҳал этишда уларга кўмаклашиш тўғрисида фармойиш берди.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида безгак ва бошқа ўткир ошқозон касалликлари тарқалганлиги қайд этилди. Хабар берилишича, май ойида 7 мингдан ортиқ, июнь ойининг бошидан бери эса яна мингдан ортиқ шундай воқеа рўй берди. Шаҳарда касалликнинг кенг тарқалишига қарши курашувчи махсус комитет тузилди. Мутахассислар кўпгина районларда атроф-муҳит булғанганлиги, вайроналар кўпайганлиги, канализация ва сифатли сув таъминоти йўқлиги сабабли Деҳли шаҳрини деярли мунтазам эпидемияга дучор қилганлигини айтмоқдалар.

⊙ ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати Ҳиндистонга мурожаат қилиб, ташқи ишлар министрликларининг котиблари иштирокида икки мамлакатни уруш ёқасига олиб келиб қўйган Кашмир муаммоси хусусидаги музокараларни дарҳол бошлашни таклиф қилди.

Покистон ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар масалалари билан шуғулланувчи котиби Танвир Аҳмадхон ушбу учрашувни олдиндан ҳеч қандай шарт қўймай ўтказиш зарурлигини айтди. У бундан илгари Ҳиндистонга ўртага қўйган тинчлик ташаббуслари мажмуасига тўхталиб, улар «Кашмир муаммосига тааллуқли эмас» деди. Деҳли таклиф этган тадбирларда чегара яқинида ҳарбий машқлар бошланишидан хабардор қилиш, ҳарбийлар ўртасидаги алоқалар, иккала мамлакат осмон чегараларининг бузилишининг олдини олиш, 1972 йилги Симла аҳдномаларига ва бошқа бир қанча аҳдномаларга содиқлик кўзда тутилади.

Т. Аҳмадхон Деҳли Ражастхан штатидан қўшинларни олиб кетганлигини эълон қилганлигига қарамай, Ҳиндистон Панжоб ҳамда Жамму ва Кашмир штатларида ҳарбий бўлинмаларни жойлаштириб, у ерда ўзининг ҳарбий иштирокини давом эттираётганлигини айтди. У шунингдек Ҳиндистон ҳукумати Кашмир водийсининг мусулмон аҳолисига қарши «ўта шафқатсиз қатағонлар»да айблади.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги расмий вакилининг хабар беришича, республика ҳукумати Исломободнинг музокаралар ўтказиш ҳақидаги таклифини пухта ўрганмоқда.

Айни пайтда мусулмон ақоидчилари Жамму ва Кашмир штатида ўтган кунлар давомида бир қанча янги қуролли ҳужумларни амалга оширдилар. ПТИ ахборот агентлигининг хабар беришича, жангарилар ўқидан уч киши ҳалок бўлди. Полицячилардан 7 киши экстремистларнинг соқчиларга қуролли ҳужуми натижасида жароҳатланди. Сринагар шаҳрида вазият яна кескинлашди.

(ТАСС).

⊙

⊙ ЧЕВАР НАМУНАСИ. **Муяссар Боқиева Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир чеварларидан биридир. У бирлашмага қарашли 1-фабриканинг 1-тикувчилар звеносига етакчи. Унинг етакчилигидаги чеварлар либосларни аъло сифатли қилиб тикишга интилишади. Бунда 12 йилдан буён шу ерда ишлаётган Муяссарининг ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги муҳим роль ўйнамоқда.**

Х. Мирзакаримов сурати.



⊙

Ишчи ошхоналари қандай бўлиши керак?

ТАОМЛАР БАЙРАМИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ

⊙ Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган «Ўзбек миллий таомлари» ўн кунлигида бу саволга муфассал жавоб олинди. Сир эмас: корхоналардаги ошхоналарда тайёрланаётган овқатлар хусусида ишчилар тез-тез шикоят қилиб туришади. Дастгоҳ олдида оғир меҳнат қилгандан кейин тушликда мазали таом еб, кўнгилли ҳордиқ чиқариш керак-да, ахир.

БИРЛАШМАДА ўтказилган таомлар байрами ҳўрандалар талабини қондиришда нималарга эътибор бериш кераклигини белгилаб берди. «Виктория» ишлаб чиқариш ширкатининг ошхонасида ҳар кунги таомнома асосида овқатлар пиширилди. Буфет қисми ташкил этилиб, пиширириқлар, ширинликлар, ичимликлар, салатлар тури кўпайтирилди.

Одатдагидек тушлиққа келган ишчилар ошхонада сезиларли даражада ўзгаришнинг гувоҳи бўлдилар. Карнайдан ёқимли куй янграйди. Ошпазлар, хизматчилар сони кўпайган. Лекин...

— Ўтказилаётган бу тадбирни биз ўзбек миллий таомлари байрами деб атасак-да, — деди Куйбишев район ошхоналар трестининг корхоналар қошидаги ошхоналар бўйича директори М. Шорустамова, — мақсадимиз қандай таомлар борлигини намойиш қилиш эмас. Ишчи ошхоналарида хўрандаларга намунали хизмат қилиш усулларини ўрганиш. Ошхона ходимларига ширин таом пиширишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳар бир киши хизмат қилишнинг маданиятини билиши, дидли, фаросатли бўлиши, қисқаси хўранда яхши кайфият ва ёқимли иштаҳа билан овқатланиб, эртага яна чин дилдан меҳмон бўлишига эришиши керак.

Хўрандаларнинг мамнун кайфияти ўтказилаётган тадбирнинг натижаси қониқарли эканидан далолат беради. Районнинг ўнга яқин корхонаси ошхоналарининг вакиллари бу ерга тажриба ўрганиш учун келишган. Шунингдек, ўз ошхоналарида тайёрланган баққоллик ва қандолатчилик маҳсулотларидан олиб келинган.

— Бирлашмамиздаги ошхоналар ичида бу ерда мазали таом пиширилди. Бугун янада хушнуд бўлдик, — деди «Турон» ширкатининг ҳайдовчиси С. Зоидов, — ошхона ходимларининг маҳорати яна билинди. Ҳар кунги масалликдан тайёрланадиган таомлар, салатлар сони ошган. Столларга гул қўйилибди, ошпазлар ўзбек миллий либослари кийиб олишган. Иштаҳа билан овқатландим. Фақат намуна учун эмас, ҳар куни шундай бўлишини хоҳлаймиз.

— Озгина масаллиқ билан ҳам ширин овқат пиширса бўлади. Лекин сархил маҳсулотлардан ҳам бемаза таом тайёрлайдиганлар бор, — деди «Виктория» ширкати ҳисобчиси М. Григорьева, — бугунги ўтказилаётган тадбир ҳақида фақат илиқ гаплар айтиш мумкин.

Тўғри, ошхонанинг аҳволи, яъни шарт-шароити талаб даражасида эмас. Зал озгина торлик қилади. Ошпазлар таом пиширадиган жой рисоладагидек эмас. Лекин, ҳўрандалар талабини қондириш учун имконият топса бўларкан.

— Ўн кунлик биз учун ҳам сабоқ бўлди, — деди ширкат бошқаруви раиси В. Мостовой, — албатта иштаҳа билан овқатланиш учун яхши жой ҳам керак. Гарчи ўтган йили бир оз ремонт қилган бўлсакда, шароит яхшиланган йўқ. Шунинг учун 150 минг сўм ажратиб, лойиҳалаштиришни бошладик. Шу йил охиригача ошхонани тўлиқ таъмирлаймиз. Қишки ва ёзги алоҳида заллар бўлади. Салор канали устига қўшимча сўрилар қурамиз. Овқат тайёрлайдиган, маҳсулотлар сақлайдиган қўшимча бино қурамиз. Умуман ишчилар ҳақида қайғурадиган пайт келди. У фақат меҳнат қилиши эмас, яхши яшаши ҳам керак. Иштаҳа билан тановул қилинган таом инсон соғлигига фойда эканини тушуниб етиш керак.

Ҳа, таомлар байрами кўп ишларни қилиш кераклигини англатди. Ишчилар ошхонага шунчаки тушлик қилиш учун эмас, овқатланиш, дам олиб, яхши кайфият билан қайтиш учун бориши керак. Бу эса унинг меҳнатига самара ва унум бағишлайди.

С. ШАМСИДДИНОВ.



ШВЕЙЦАРИЯ пойтахтида қад кўтарган бу бино меъморлари хаёлотн катта девор — кўзгуда ажойиб тог манзарасини акс эттирди. Бу саёҳатчилар келиб томоша қилаётган ажойиб, шу билан бирга катта даромад келтираётган бинодир.

Кейстон — ТАСС сурати.



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида

ҚОНУННИ БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН

ИНСОН учун ўсимлик олами, ҳаво, қуёш нури, сув ва замин азиз экан, уни эъзозлашимиз керак. Айниқса шаҳар шароитида бу омилларга жуда катта эътибор бериш керак. Шу мақсадда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари томонидан шу яқин орада 72 та саноат корхоналари, ташкилотлар ва автотранспорт хўжаликларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари текширилди.

Олиб борилган ишлар натижасида текширилган 581 та зарарли моддаларни ташқарига чиқариб ташловчи манбадан атиги 233 таси газларни тозалаш мосламалари билан жиҳозланганлиги аниқланди. Ушбу мосламалардан 124 тасининг иш жараёни текширилганда эса 9 таси бутунлай яроқсиз бўлиб чиқди, 26 таси етарли даражада ишламаётганлиги аниқланди.

«Ўзбекэнерго» махсус ремонт ишлаб чиқариш ташкилотида комитетимиз томонидан аввал берилган кўрсатмалар бажарилмаган. Чўян қуйиш цехида махсус мослама (вагранка) тозалаш ускуналари билан жиҳозланмаганлиги учун уни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Давлат деҳқончилик саноатига қарашли Пахтачилик машинасозлиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспериментал-механика заводида реконструкция ва саноатни кенгайтириш ишлари комитетимиз экспертиза бўлимидан ўтказилмаган. Завод раҳбарлари (директори Б. Ҳамидов ва бош инженер С. Исатоев) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига эътибор бермаётир.

Тошкент қурилиш материаллари комбинатида эса, чиқиндиларнинг чегараланган миқдорини назорат қилиш ишларига совуққонлик билан қарашмоқда. Газларни тозалаш мосламалари ишламайди. Тозалаш мосламаларининг ҳужжатлари комитетимиз томонидан қайд этилмаган. Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари комитетига қарашли механика устахонасида зарарли моддаларни атмосфера ҳавосига чиқарадиган манбалар рўйхатга олинмаган. Механика устахонаси директори Д. Жамолов ҳақидаги ҳужжатлар маъмурий комиссияга жўнатилди.

Ўзбекистон ССР бинокорлик саноати материаллари министрлигига қарашли Тошкент тажриба-механика заводида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти. Комитетимиз томонидан бу заводда қурилиш деталлари цехини тўхтатиш учун кўрсатма берилди.

Тошкент ёғ-мой комбинатидаги аҳволни ҳам яхши деб бўлмайди. Бу ерда зарарли моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташловчи манбалар рўйхатдан ўтказилмаган. Комитетимиз шрот минорасининг фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида йўл қўйилган камчиликлар учун Ҳамза район ижроия комитети маъмурий комиссиясига катта усталар А. Низомов, С. Мирсаидов, Т. Шокировлар ҳақидаги ҳужжатлар жўнатилди.

Ўрта Осиё электроаппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасида комитетимиз томонидан берилган кўрсатмалар бажарилмаганлиги аниқланди. 1-тайёрлов цехидан чиқадиган оқава сув тозаланмасдан суғориш шохобчаларига, Қорасув каналига оқизилмоқда. Канал қирғоқлари қурилиш чиқиндилари, ахлат уюмлари билан тўлдириб ташланган. Автотранспорт цехида нефть маҳсулотлари тўкилиб, атрофни ва ер ости сувларини ифлослантирмоқда. Сув қувури ёрилганлиги натижасида ичимлик суви икки ой давомида оқиб ётган. Сув тўғрисидаги қонунни бузганликлари учун бирлашма бош инженери А. Поповга 100 сўм, транспорт цехи бошлиғи В. Данильченкога 50 сўм, автотранспорт цехи бошлиғи Э. Маметовга 50 сўм миқдорида жарима солинди.

«Промэнерго» корхонаси томонидан канализация коллекторига, сўнгра Бўзсув тозалаш иншоотларига ва Бўзсув каналига тарқибида нефть маҳсулотлари бўлган моддалар ташланган. Текширишлар шуни кўрсатдики, корхона территорияси ҳам қониқарсиз аҳволда. Суғориш шохобчаларига мазут тўкилган. Сув тўғрисидаги қонунга аҳамият берилмаганлиги учун корхона директори М. Новакка 100 сўм миқдорида жарима солинди.

Бўзсув канали қирғоқлари атрофида ҳам аҳвол ёмон. 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасида ҳам сув тўғрисидаги қонунга амал қилинмайди. Ичимлик суви маиший эҳтиёжлар учун ишлатилиб, тозаланмасдан каналга ташланади. Йўл қўйилган бир қатор камчиликлар учун 2-қурилиш бошқармаси бош механиги В. Толмачёвга 100 сўм миқдорида жарима солинди.

Автотранспорт хўжаликларида олиб борилган ишлар натижасида текширилган 967 та автомобилдан 32 таси чиқарган газларнинг заҳарлилик миқдори белгиланган нормадан юқори эканлиги аниқланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун 194 бандан иборат кўрсатма берилди.

Ойшахон ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходими.

ХАЁЛДАН АМАЛИЁТГА



ТАБИИЙ-ЭКОЛОГИК ЗАМИН

Табиий-экологик заминнинг биоген компонентлари ҳар қандай ландшафт типининг, жумладан, аҳоли пунктларининг безаги, кўрки ҳисобланади. Олимлар тупроқ ва ўсимлик қопламини ландшафтнинг ойнаси деб бежиз айтишмаган. Бу яшил зона ва майдонларни барпо этишда, шаҳар ичкариси ва яқин атрофида дам олиш уйлари, истироҳат боғлари, боғу роғларни ташкил этиш мақсадида ва айниқса, табиатни муҳофаза қилиш объекти тариқасида тадқиқ этилади.

Икки ва учинчи поғоналарда табиий территориал комплекс (ландшафт) ва жамият тузуми акс эттирилган бўлиб, шаҳар қурилишида муҳим аҳамият касб этади. Бу бўғинларда табиат билан жамият, шунингдек табиат билан шаҳар ўртасидаги мутаносиблик, динамик бирлик ҳолатлари яхлит қурилма тариқасида шаклланади ва аниқ намоён бўлади. Шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, табиат билан шаҳар ўртасида турғун мутаносибликни таъминлаш мутлақ мумкин эмас. Аммо улар ўртасида таркиб топган табиий-экологик муҳитнинг меъёр чегараси маълум миқдор кўрсаткичлари доирасида тебраниб туриши муҳимдир.

Табиий территориал комплексларни шаҳар қурилиши нуқтаи назардан ёндошиб, махсус ландшафт (масалан, табиий, табиий-антропоген, антропоген) типларига ажратиш ва уларни баҳолаш ҳам мумкин. Бунинг учун ўрганилаётган жойнинг яроқлилик даражаси, яъни табиий-экологик имконияти бош мезон қилиб олинади.

Хуллас, халқ меъморчилик санъатининг нодир мероси ҳисобланган ҳар қандай шаҳар табиат билан жамият ўртасидаги уйғунликни, ўзаро муносабатни, маданиятни, тарихан шаклланган мутаносибликни даврлар оша кўзгудек келажак авлодларга ошкор этиб кўз-кўз қилади. Бу боисдан ҳам, режалаштирилаётган аҳоли пунктларини она-табиат бағрига монанд ва беозор жойлаштириш ва яшаш учун қулай табиий-экологик муҳитни барпо этиш муаммоси шу кун қурилишининг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

Абдурасул СОАТОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни ўқитувчиси, СССР жуғрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси.



Советлар мамлакатида

ГРУЗИЯ ССР. Тбилисининг қадимий бурчаги Крцанисида ажойиб бир боғ бор, уни гаройиб ёритгичлар чароғон қилиб туради. Бу боғда оддий тошлардан жирафалар, кийиклар ясалган. Улар дарахтлар орасидан бехихтиёр чиқиб қолгандек туюлади... Бу аслн касби бухгалтер, аммо ҳайкалтарошликка қизиққан Шота Кудава боғидир. Шота Кудава тошлардаги гўзалликни кашф этган вақтдан бери ўтган 15 йил ичида Грузиянинг ҳамма бурчакларида муттасил тошларни йиғиб, улардан одамлар, ҳайвонлар, қушларнинг шаклларини «чиза бошлади». Шундай қилиб, ўз қадимий уйида ажойиб боғ пайдо қилди. Бу ер жонажон шаҳрининг меҳмонларн ва дўстларига ҳамиша очиқдир.

СУРАТДА: Шота Кудава, А. Мачаварианн сурати. (ТАСС).

ҚОЗОҒИСТОН ССР. Қарағанда кончилари талаб билан чиқан ўша серташвиш кунлар кўпчилигининг ёдида. Хўш, ўшандан буён нималар ўзгардн! Қарағанда кўмир ҳавзаси меҳнат жамоаси ўз-ўзини бошқаришнинг деярли тўлақонли органи бўлган стачка комитети ўртага қўйилган масалаларнинг биронтасини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Яқинда Қарағанда кончиларининг талаби билан ҳукумат комиссияси келди. Қисқа вақт ичида яна бешта болалар боғчаси қўшимча суратда ишга туширилди. Кончиларга бепул санаторий ва курорт йўлланмалари бериш графиги белгиланди. Тунги ва кечки сменаларда кончилар таъриф ставкаларига қўшимча равишда 20 фоиздан 40 фоизгача қўшимча ҳақ олмоқдалар. Айни вақтда эса кўмир қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш ва бошқа масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

СУРАТДА: яқинда Октябрь инқилобининг 50 йиллиги номидаги шахта кончиларига янги қаҳвахона армуғон этилди. В. Петухов сурати (ТАСС).

БОҒ ИЛҲОМ БАҒИШЛАЙДИ



Илгари бу жойга номигагина 50—60 туп қарағай кўчатлари ўтқазиб қўйилган эди. Уларнинг ҳам кўпларн сувсизликдан қуриб қолди. Ана шу қуриб қолган ниҳолларни кўриб қолган Собир Раҳимов район Совети ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ш. Шомансуров ачиниб кетди. Худди шу пайт Ўзбекистон ССР терн-таносил касалликлари ҳудудида янги ўтқазилган ниҳолларга сув тараб, парваришлаб юрган Эгамберди Эшбоевга дуч келиб қолди. Бир кўришдаёқ унинг ўсимликларга, табиатга меҳри борлигини пайқади. Шундан сўнг у билан гаплашишга қарор қилди. Улар ўзаро суҳбатлашиб ҳамкорликда, 50 сотихча келадиган ана шу қаровсиз жойни боғ қилишга аҳд қилишди.

ЭГАМБЕРДИ у киши жўнаб кетиши билан ишни бошлаб юборди. Бу хайрли ишга бутун оила аъзолари ва акаукаларини жалб қилди. Орадан ўн беш кун ўтиб-ўтмай у ерда сочилиб ётган темир-терсак, тош ва ахлат уюмлари олиб кетилди. Тупроқ текис ҳайдаб қўйилди. Қуриб қолган кўчатлар ўрнига мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Ижроқўм муовини кейинги бир келганида бу жойдаги ўзгаришни кўриб кўзларига ишонмади. Ҳайратланган қўйи дарҳол мевали дарахт кўчатлари олиб келишни ташкил этди.

— Мен Эгамбердини биринчи кўрганимда институтнинг боғбони бўлса керак деб ўйлаган эдим, — дейди ижроқўм муовини. — Шу боис унга боғбонлик қилишни таклиф қилдим. Институт клиник-диагностик лабораториясининг мудири эканлигини кейин билиб қолдим. Шунча ерни у кишига ишониб топшириб очиғи янглишмадим. Меҳнаткаш йигит экан, барака топсин. Ҳозир мана кўринг, қандай боғ пайдо бўлди. Кўриб кўзинг қувнаб кетади. «Яҳшидан боғ қолади» дегани шу эмасми?

Ҳақиқатан шундай. Бугун у жойни кўриб баҳри-дилинг очилади кишининг. Эндиликда гилос, олма, узум ниҳоллари яйраб ўса бошлади. Турли хил беда, саримсоқ пиёз сингари кўкатлар ям-яшил яшнаб турибди. Ҳаётда қизиқ одамлар бор. Дастлаб иш бошлаганда докторнинг тупроққа беланиб юрганини кўрган баъзи бировлар унинг устидан кулишган эди. Энди бўлса айнан ўша кишилар ўзгариб «қойил, Эгамберди!» дейишмоқда.

Калинин номли маҳалла қўмитасининг котиби Акбар Мирзарипов Эгамберди ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Биз илгари Эгамбердини билмас эдик. Ҳар куни шу ердан ўтиб-қайтиб унинг меҳнат қилиб юрганини кўрардик. Вақт ўтиб у жойда ўзгаришлар рўй бера бошлади. Шундай кўз ўнгимизда унинг боғи яшнаб кетди. Очиғи, унинг меҳнаткашлигига қойил қолдик. Бизнинг маҳалламизга ажойиб табиат яратиб берди. Ҳали кўрасиз, бу боғ ёшларни табиатни севишга чорлайди. Ҳозирги ёшлар чигиртка, капалакни яхши билишмайди. Эгамбердининг боғида ана шу жониворлар бор. Улар табиатнинг бир бўлаги. Бундай жониворларни эса ёшлар билмоғи зарур. Меҳнат инсонни улуғлайди. Меҳнаткаш инсонлар меҳригиёси бордай кўзга ёқимли бўлади. Одамлар бордай кишиларни пайқаб олишса бўлди, унга ёрдамлашишади.

Эгамбердининг саҳоватли қўллари яратган боғни кўриб мамнун бўлдик ва у билан суҳбатлашдик:

— Ҳар қандай касб кишига ота-онадан ўтади шекилли, менинг отам Ҳусанбой Эшбоев боғбон ва моҳир чавандоз бўлиб ўтган эканлар. Ҳали-ҳали қишлоғимизда кўплар «Ҳусанбой аканинг қовун ва тарвузлари йўқ энди» деб эслаб туришади. Мен ҳам отамга ўхшаб ўсимлик ва тупор от кўрсам хурсанд бўлиб кетаман. Нав-ниҳоллар тепасида парвона бўлсам кайфиятим кўтарилади. Шу боғ сабаб бўлиб илмий ишим ҳам юришиб кетди. Боққа кирсам очиғи дам оламан. Жисмоний меҳнат яхлни пешлар экан.

Эгамберди бир нечта китоблар, илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир. Унга ана шундай машаққатли ишларни амалга оширишда яратган сўлим боғи, мевали ниҳоллари куч ва қудрат бағишлайверсин.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Эгамберди Эшбоев.

Т. Каримов сурати.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи, автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.
Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.
Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Қалинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшдя ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш» массиви бекатлари).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Манонимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.



⊙ Тошкентдаги амалий санъат музейи бу ерга ташриф буюрувчиларда доимо қизиқиш уйғотади.

Р. Альбеков сурати.

Ажаб дунё экан

ЯГОНАЛИГИ БИЛАН ҲАЙРАТЛАНТИРАДИ

⊙ Музейлар ўз олдига қўйган вазифалари, йўналишлари бўйича улкан маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Ҳозир дунёда қанча музей фаолият кўрсатаётганлигини рақамларда аниқ ифода этиш қийин. Чунки кундан-кунга уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Бугун биз дунёда ўзининг ягоналиги билан томошабинда ҳайрат уйғотадиган айрим музейлар ҳақида маълумот берамиз.

⊙ ҒАЛАТИ КЎРГАЗМАЛАР

ГРЕЦИЯНИНГ Афина шаҳрида «Оналар музейи» бор. Унинг ташкилотчиси Х. Экономопулос ўз олдига турли мамлакат ва халқларнинг болалари ва оналарга тегишли бўлган кўплаб маълумотларни тўплашни асосий мақсад қилиб қўйган. Унинг бу нияти катта муваффақият билан амалга ошмоқда. Чунки, турли мамлакатлардан почта орқали келаётган талайгина совғалар музей кўргазмасини жуда ҳам бойитмоқда.

⊙ БАРЧАСИ КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

ФРАНЦИЯНИНГ Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги Кани шаҳарчасида ажойиб «Болалар музейи» фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда турли даврларга оид 3,5 мингдан ортиқ ўйинчоқ ва қўғирчоқлар мавжуд. Кўргазмалар орасида оёқ-қўли ҳаракатланадиган, тўрт минг йил илгари Мисрда ишланган қўғирчоқ, шунингдек, — 1870 йилда тайёрланган жажжи тайёра (самолётча) ҳам бор.

Бу ерда қадимги ўйинчоқлар билан бир қаторда замонавий электрон ўйинчоқларни ҳам кўриш мумкин. Ҳар куни юзлаб болалар музейдан чексиз қувонч билан уйга қайтмоқдалар.

⊙ УЧУВЧИ НОМИДА

1937 йилнинг 20 июнида «Правда»нинг махсус мухбири Америкадан хабар қилди: «Чкалов самолёти Ванкувер-Бараксга келиб қўнди. Бу Портленд яқинидаги ҳарбий аэродром...

Бугун ҳамма жойда фақат шу ҳақда гапирмоқдалар. Газеталар учиш ҳақидаги ҳисоботлар билан тўлган. Чкалов номи бутун америкаликлар тилида».

1976 йилда Американинг Ванкувер шаҳрида Чкалов музейи очилди. Музей икки қаватли данғиллама уйнинг иккита залида жойлашган. Чкалов, Байдуков, Беляковлар Шимолий қутб узра қўнмасдан учиб ўтганларидан сўнг биринчи кеча Америка заминидаги шу уйда дам олган эдилар.

⊙ АТИР-УПА ТАРИХИДАН

ФРАНЦИЯНИНГ жанубида жойлашган Грас шаҳрини ҳақли равишда мамлакатнинг парфюмерия пойтахти деб аташади, шунинг учун ҳам у ерда шундай музей ташкил этилди. Музей ташкилотчиларининг фикрича, антик даврдан ҳозиргача парфюмерия ишлаб чиқариш тарихини кўрсатишдир.

⊙ ТЕРГОВНИ МУХЛИСЛАР ОЛИБ БОРИШМОҚДА

МИННЕСОТА штати университетининг кутубхонасини Конан Дойл ижодининг мухлислари ўзаро «Шерлок Холмс» музейи деб аташади. Мазкур хазинада машҳур изқувар ҳақида ҳикоя қилувчи жаҳондаги энг бой коллекция — 45 тилда нашр этилган 9 мингдан зиёд китоб тўпланган. Кутубхонада шунингдек, ёзувчининг повестлари босилган рўзномаларнинг 19 мингдан зиёд қирқими сақланади.

Махсус залда Шерлок Холмс ва доктор Ватсон «яшаган» хонадон макетлари билан ҳам танишиш мумкин. Уларни китобхонларнинг ўзлари ясаб, музейга совға сифатида йўллашган.

⊙ САРСАБИЛГА БАҒИШЛАНАДИ

МЮНХЕН яқинидаги Шробенхаузен шаҳарчасида яқинда жаҳонда биринчи Сарсабиль музейи очилди. Бу ердаги нарсалар ана шу сабзавот экинининг ашаддий мухлиси томонидан йиғилган. Музейда шу ўсимликнинг 200 хили мавжуд.

⊙ ИСТЕЪДОД — ТИНЧЛИК ИШИГА

ИТАЛИЯНИНГ Ассизи шаҳрида «Тинчлик» музейи очилган. Унда 100 дан ортиқ мамлакатлар рассом ва ҳайкалтарошларининг қўли билан яратилган асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазмалар тинчлик ва қуролсизланиш, урушнинг даҳшатли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу асарларнинг муаллифлари ўз истеъдодларини дунёда тинчлик ишига хизмат қилдиришга йўналтиришган.

⊙ ҚАБРИСТОНДАГИ ОБИДАЛАР

ХИТОЙ Халқ Республикасининг Шаньси вилоятида бир неча йилдан буён баҳайбат қабристонни излаш ишлари олиб борилмоқда. 1974 йилдаёқ маҳаллий аҳоли узунлиги 210 метр, эни 60 метрли ер остидаги лаҳмга дуч келиб, бу ердаги отлиқ аскарлар ҳайкалларини кўриб ҳайратда қолган эди. Бу ҳайкаллар тахминан XX аср илгари яратилганлиги аниқланди.

Уни барпо этиш учун 700 минг киши 36 йил ишлаган экан. Археологлар 6 мингдан ортиқ қисмлардан иборат бу ҳайкалларни атрофлича ўрганиб чиқишмоқда. Чунки ҳар бир ҳайкал маълум бир шахс сиймосини ўзида мужассамлаштирган. Бу тарихий обидаларни ўрганиш учун яна бир авлод меҳнати керак бўлади, дейишмоқда мутахассислар.

Жаҳон музейлари бўйлаб саёҳатни Баҳодир ВАЛИЕВ уюштирди.



ИТАЛИЯ '90

УМРИ ЧИНОР ФУТБОЛЧИ

⊙ ФИФАнинг расмий ҳужжатларига кўра чехословакиялик футболчи Петер Палучу 392 ёшда экан. Агар машинистка ўтказиб юборган хато тузатилса, биринчиликнинг энг ёши улуғ ўйинчиси қирқни қоралаган Англия терма командасининг дарвозабони Шилтон бўлиб чиқади. Шилтонда ўз терма командаси сафларида 120 ўйин ўтказиб жаҳон рекордини ўрнатишга имконият бор. 17 ёшли Пеле биринчиликда қатнашиб барчани лол қолдирган пайтлар ўтиб кетди, чоғи. Италияда майдонга тушадиган энг ёш ўйинчи 19 баҳорни қаршилаган АҚШ футболчиси Крис Хендерсондир.

НОМИНИНГ ЎЗИ ВАҲИМА УЙҒОТАДИ.

⊙ ИТАЛИЯГА жўнаш олдидан ўтказилган матбуот конференциясида мухбирлар голландияликлар тренери Беенхаккердан: «Жароҳатдан сўнг Гуллитнинг спорт формаси Европа чемпионлари даражасида ўйин кўрсата олишингизга ҳалал бермайдими?», деб сўраганларида у: «Бу буюк футболчининг самимизда ўйнашининг ўзи рақиб команда ҳимоясига ваҳима солади», — деб жавоб берган экан.

«БОЗОРГА УҲШАЙДИ АСЛИ БУ ДУНЁ»

⊙ УШБУ биринчиликда Бразилиянинг «Васко да Гама» командаси ўйинчиси Бебетоннинг ёрқин юлдуз бўлиб чақнаши кутилмоқда. Шу кунларда унинг баҳоси 150 миллион ГФР маркасига тенгдир. Италия, ГФР, Франция ва Испаниянинг бой-бадавлат клублари эса уни «овлаш» пайидалар. Аммо Бебето ҳатто пинагини ҳам бузмаяпти. Чунки бразилияликлар ғолиб бўлсалар ўзининг баҳоси яна бир неча бор кўтарилишини билади-да.

ФУТБОЛИМИЗНИНГ «ГЕНЕРАЛ ШТАБИ»

⊙ ИТАЛИЯДА жавлон ураётган командамиз раҳбарияти билан танишинг: Валерий Васильевич Лобановский — бош тренер, 1939 йил 6 январда туғилган. СССР спорт устаси, СССРда хизмат кўрсатган тренер. СССР терма командаси сафида 2 ўйинда иштирок этган. 1975—90 йилларда унинг бошчилигида терма командамиз 72 ўйин ўтказиб, 39 ғалаба, 19 дуранг ва 14 марта мағлубиятга учраган.

⊙ НИКИТА Павлович Симонян — команда бошлиғи. 1926 йил 12 октябрда туғилган. СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси ва хизмат кўрсатган тренер. Терма команда таркибида 23 ўйинда иштирок этган ва 12 тўп урган. 1956 йилги олимпиада чемпиони. 30 ўйинда терма командани бошқарган: 19 ғалаба, 5 дуранг, 6 мағлубият.

⊙ ЮРИЙ Андреевич Морозов — тренер. 1934 йил 13 майда туғилган. СССР спорт устаси. РСФСРда хизмат кўрсатган тренер. 1975—76 йилларда терма командада ёрдамчи тренер вазифасини бажарган.

⊙ СЕРГЕЙ Михайлович Мосягин — тренер. 1937 йил 29 декабрда туғилган. СССРда хизмат кўрсатган тренер. 1977 — 79 йилларда терма командада иккинчи тренер вазифасини бажарган. 1986 йилдан бери бош командамизга тренерлик қилмоқда.

ОҚШОМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 14 июнда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

2-ИТТИФОҚ ДАВЛАТ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА:

қурилиш ташкилотлари лойиҳа бўлимига — бошлиқ ва бош технолог, етакчи инженер I ва II категориядаги инженерларни.

4-ИРРИГАЦИЯ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ МАХСУС БОШҚАРМАСИГА:

Ленин ноҳиясида ишлаш учун кўкаламзорлаштириш ишчилари ва ирригаторлар.
Ҳақ тўлаш — ишбай.

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинатининг

3-ҚУРИЛИШ КОНВЕЙЕРИ БОШҚАРМАСИГА:

мастерлар, прораблар, пўлат ва темир бетон конструкциялари бўйича монтажчилар, арматурачилар, ғишт терувчилар, электр-газ пайвандловчилар, бетончилар, дурадгорлар, такелажчилар, слесарлар, электромонтёрлар.

223-БИРЛАШГАН КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИГА:

1, 2, 3 класс автомашина ҳайдовчилари, мавсумий ишчилар.

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ НОҲИЯ БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН:

Киров ноҳияси — Энгельс кўчаси, 48-уй.

Ленин ноҳияси — Т. Шевченко кўчаси 64-уй.

Фрунзе ноҳияси — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

Октябрь ноҳияси — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

17 ИЮНЬ СОАТ 9.00 ДА

СИЗЛАРНИ

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИГА

Касаба уюшмалари жумҳурият кўнгилли спорт жамиятлари федерациясининг

САЛОМАТЛИК ВА ЮГУРИШ ИШҚИБОЗЛАРИ КЛУБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА СПОРТ БАЗАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Бу ишда, ўз соғлиғингиз учун курашда фаол қатнашасиз, деб умид қиламиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 77-25-10.

Тошкент шаҳар, Октябрь район 167-ўрта мактаб томонидан **Азимова Дилфуза Раҳматовна** номига берилган 557691 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

12, 20, 27 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

премьера

ҲАЙДАР МУҲАММАД асари

«ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА»

(икки пардали ҳазил)

Саҳналаштирувчи режиссёр — **МАРАТ АЗИМОВ.**

Рассом — **МАРАТ СОХИБГАРЕЕВ.**

РОЛЛАРДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Е. АҲМЕДОВ, С. ТАБИБУЛЛАЕВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамза мукофотининг лауреатлари: И. БОЛТАЕВА, Т. КАРИМОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, Я. АБДУЛЛАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА, Ш. АЗИЗОВА, Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. УМАРОВ;

Артистлар: Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, М. ШОЖАЛИЛОВА, Ш. ИСМОИЛОВА, Л. ҚУЛАБДУЛЛАЕВА, М. БОБОТУЛЛАЕВА, С. ЮНУСОВА, Ш. СОДИҚОВА, Ф. ЖАЛОЛОВ, П. НОСИРОВ, Ж. ЗОКИРОВ, А. МАҲМУДОВ, Б. МУҲАММАДКАРИМОВ, Б. МУҲАММАДЖОНОВ, Р. КАРИМОВ, С. ҒАФФОРОВ, Ғ. ҲОЖИЕВ ва бошқалар.

Саёҳат ва экскурсия ишқибозларига!

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги

«САЙЁҲ—ИНТУР» БИРЛАШМАСИ ва «ФИБУ» БОЛГАР—СОВЕТ ФИРМАСИ

1990 йил 14 октябргача бўлган давр ичида Болгариянинг Қора денгиз соҳиллари бўйлаб

ТУРИСТИК САЁҲАТЛАРНИ УЮШТИРАДИ.

Болгариянинг Қора денгиз соҳилларида жаҳонда машҳур «Олтин қумлар» ва «Албена» курортлари орасида Кранево курорт маскани жойлашган. Ажойиб қумлоқ пляжлари бўлган бу шифо маскани Болгариянинг экологик жиҳатдан мусаффо гўшаларидан биридир.

Бу ерда сайёҳлар барча қулайликларга эга бўлган хусусий хонадонларда икки кишидан жойлашадилар. Хоналар уй эгаларидан айрим ҳолда жойлашган бўлиб, алоҳида эшикдан кириб чиқилади. Нонушта ва кечки овқат мўъжазгина кафе ва хусусий ресторанларда, тушлик эса пляжда ташкил этилади. Пляж истиқомат манзилидан бир километрлик масофада жойлашган.

Варнага, Полбухинга сайр қилиш, бар ва видеосалонга ташриф буюриш маданий дастур доирасига киради.

Қўшимча ҳақ тўлаш эвазига отлар ва автомобилларни ижарага олиш мумкин.

«ФИБУ» ФИРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН МАХСУС ТЎҚИМАЧИЛИК МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ ОЧДИ.

Саёҳат 13 кун давом этади. Йўлланма баҳоси валюта алмашувисиз, 930 сўм. Саёҳатчиларни Тошкент — Варна — Тошкент авиарейслари билан элтиб қўйиш йўлланма қийматига киради. Бир кишига 100 сўм ҳисобидан валюта айирбошлаш мўлжалланади.

Бундан ташқари, «САЙЁҲ—ИНТУР» БИРЛАШМАСИ ВА «ФИБУ» ФИРМАСИ бир кишига 500 сўмгача валютани қўшимча тижорат алмашувини кафолатлайди.

Қуйидаги масканга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 700017, Ленин шоҳкўчаси, 15-уй, «Сайёҳ—Интур» бирлашмаси.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-62-59, 34-62-54.



ЗЕНИТ "7" фирмали техно-савдо маркази

(Чехов кўчаси, 10-уй, метронинг «Ойбек» станцияси).

мактабгача ёшдаги ва ундан каттароқ болаларга

ҚУЙИДАГИ ЎЙИНЧОҚЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

Пистоқи рангли, ғилдираклари айланадиган барқарор, оғир, тезюрар бу ўйинчоқлар ҳақиқий, ҳарбий техниканинг кичрайтирилган нусхаси дейиш мумкин.

Ўйинчоқлар тури ниҳоятда хилма-хил. Бу ерда бронетранспортёрлару, вездеходлар, енгил автомобиллару дала тўплари, танклар, десант автомобиллари, гвардия миномётлари-бронеавтомобиллар, платформали тортувчи машиналар ҳамда ўзиюрар артиллерия қурилмалари сотилмоқда.

Металдан ясалган бундай ўйинчоқларнинг нархи 60 тийиндан 1 сўм 40 тийингача.

Ҳар бир болада самокат бўлса, бемалол қувноқ стартлар ўйинини уюштириш мумкин. Қани ким кимдан ўзиб кетади? Энг кучли, энг чаққон бола албатта маррага биринчи бўлиб етиб келади. Шундай эмасми?

Самокат баҳоси — 8 сўм.

САЁҲАТЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Таниш саёҳат йўналишлар, номаълум сўқмоқлар сафарга чорлайди. Сайр-саёҳатни севадиганларга йўлда сафар халтаси жуда асқотади. Енгил, қулай сафар халтасига йўлда керак бўладиган ҳамма нарса сиғади. Баҳоси — 10 сўм 50 тийин.

«ЗЕНИТ—7» ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ соат 10 дан 19 гача ишлайди. Танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — душанба.

«ЗЕНИТ — 7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ

(телефон: 54-04-92).

ТЕАТР

Дружба — **«ҲОКИМНИНГ СОЯСИ»** (тоқ соатларда); **«АВАРИЯ»** — **ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (жуфт соатларда).

Москва — **«ФИДОЙИ»** (тоқ соатларда ва 20.40 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — **«КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?»** (17, 20.00); **«ЁЛҒИЗЛИК ВАҚТИ»** (жуфт соатларда).

Восток — **«АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (17.30, 20.40).

Фестиваль (ёзги) — **«ФИДОЙИ»** (21.00).

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Майсаранинг иши, 13/VI да Инки дил достони.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Хотинлар «гап»ндан чиққан ҳангома** (премьера). 13/VI да **Нажот истаб.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 13/VI да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ **«ЕШ ГВАРДИЯ»** ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Майсаранинг иши,** 13/VI да **Лақма нуёв** (премьера).

КИНО

12 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нукус — **«АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — **«ФИДОЙИ»** (тоқ соатларда).

13, 14 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нукус — **«АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — **«ФИДОЙИ»** (тоқ соатларда).

Дружба — **«ҲОКИМНИНГ СОЯСИ»** (тоқ соатларда); **«АВАРИЯ»** — **ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (жуфт соатларда).

Москва — **«ФИДОЙИ»** (тоқ соатларда ва 20.40 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — **«КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?»** (11, 14, 17, 20.00); **«ЁЛҒИЗЛИК ВАҚТИ»** (жуфт соатларда).

Восток — **«АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ»** (11, 14, 16, 17.30, 20.40).

Фестиваль (ёзги) — **«ФИДОЙИ»** (21.00).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилди. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.
Р — 10085.